

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ХУКМ

2022 йил ноябрь ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди, ўз суд биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси Р.Бобажановнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Рустамованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгибозор туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Қурбанов, жабрланувчилар К.Рахимов, О.Матниязов ва Д.Юлдашевлар ҳамда судланувчи Р.Жуманазаровнинг иштирокида Жуманазаров Рашид Мамасадиқовичга оид 1-2211-2201/36-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Жуманазаров Рашид Мамасадиқович (Jumanazarov Rashid Mamasadikovich), 1975 йил 2 апрель куни Хоразм вилояти Шовот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасида ишчи, жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман судининг 05.07.2013 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 178-моддасининг 1-қисми ва 189-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 7.959.000 сўм жарима жазосига судланган, судланганлик ҳолати тугалланган, Янгибозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Қоратепа маҳалласи, Ибрат кўчаси, 5-уйда яшайди, 2022 йил 28 сентябрь кунидан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2022 йил 5 октябрь куни олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Жуманазаров Рашид Мамасадиқович, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатишда ифодаланган жиноятни қуйидаги вақт, усул ва ҳолатда содир этган.

Жумладан, У 2022 йил 2 август куни, соат 14:30 ларда, турмуш ўртоғи З.Тажимуратова раҳбарлик қилаётган, Янгибозор тумани, “Қоратепа” маҳалласида жойлашган “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасининг савдо шохобчасида Янгибозор туман ДСИ ходимлари томонидан туман ДСИ бошлиғининг 01.08.2022 йилги 00084-хс-сонли буйруғига асосан, шунингдек, вилоят ДСБнинг 09.08.2022 йилги хизмат текшируви хулосасига



кўра қонуний деб топилган “Сайёр солиқ текшируви” ўтказилаётганидан хабар топиб, текшириш натижасидан қонуний асос ва ҳужжатлари бўлмасида норози бўлиб, ўтказилаётган текширишни ноқонуний йўллар билан тўхтатиш мақсадини кўзлаб, ўзларини белгиланган тартибда таништирган ва хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакиллари - туман ДСИ сайёр солиқ текширувлар шўъбаси бошлиғи Рахимов Комулжан Абдуллаевич, сайёр солиқ текширувлар шўъбаси давлат солиқ бош инспектори Юлдашев Даврон Байрамбаевич ва сайёр солиқ текширувлар шўъбаси давлат солиқ катта инспектори Матниязов Ойбек Шакировичлар билан жанжаллашиб, шўъба бошлиғи К.А.Рахимовдан текширишни тўхтатишни ва текшириш ўтказмасдан савдо шохобчасидан чиқиб кетишларини талаб қилиб, текшириш ўтказишга ҳалақит бериб, қаршилик кўрсатиб, ушбу ноқонуний талаблари ДСИ ходимлари томонидан бажарилмаганлиги учун шўъба бошлиғи К.А.Рахимовни савдо шохобчаси ичида уриб, соғлиқнинг қисқа муддат бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати етказиб, давлат солиқ бош инспектори Д.Б.Юлдашевдан ҳам ноқонуний равишда текширишни тўхтатишни талаб қилиб, уни савдо шохобчаси ичида чап елкасига уриб, соғлиғига хавф солиб, давлат солиқ катта инспектори О.Ш.Матниязов ва бош инспектор Д.Б.Юлдашевларни савдо шохобчаси ичида қувлаб ташқарига чиқариб юбориб, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакиллари К.А.Рахимов, Д.Б.Юлдашев ва О.Ш.Матниязовларга текшириш ўтказишига фаол қаршилик кўрсатган.

Судланувчи Р.Жуманазаров судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, турмуш ўртоғи Тажимуратова Зебо Атахановна номига “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасини ташкил қилиб, яшаш уйида савдо шохобчаси очиб савдо ишларини қилишларини, 2022 йил 2 август куни тушдан кейин Янгибозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Қоратепа маҳалласи, Ибрат кўчаси 5-уйда яъни яшаш уйида дам олиб ётганлигини, шу куни спиртли ичимлик ичганлиги тўғрилигини, тушдан кейин соат 14:50 ларда дўконда нотаниш одамларнинг овозлари эшитилгани учун дўконга чиққанлигини, дўконда 3-4 нафар шахслар борлигини кўриб, уларни туман ДСИ текширувлар шўъбаси бошлиғи Рахимов Комулжан Абдуллаевич, сайёр солиқ текширувлар шўъбаси давлат солиқ катта инспектори Матниязов Ойбек Шакирович ва бош инспектори Юлдашев Даврон Байрамбаевичлар эканликларини кейинчалик билганлигини, чунки ДСИ ходимлари унга ДСИ бошлиғининг буйруғига асосан текширишга келганликларини тушунтирганликларини, ходимларни дўконда турган қизи Меҳринисога “60,0 млн сўм жарима тўлайсан” деган гапини эшитиб уларга “дўкондан чиқиб кетинглар”-деганлигини, шу пайтда маст бўлганлиги учун ўзини қилган ишларини кўпчилигини эслаб билмаслигини, барча ҳолатлар маст бўлганлиги учун жаҳл устида бўлиб кетганлигини, ДСИ ходимлари К.Рахимов, Д.Юлдашев ва О.Матниязовларни қонуний вазифаларини



бажаришларига фаол қаршилик кўрсатганлигини эканлигини кейинчалик билганлигини, ДСИ ходимларини барчасидан кечирим сўрашини, қилган ишидан пушаймонда эканлигини, шу куни ходимлар турмуш ўртоғига нисбатан солиқ қонунчилигини бузилганлиги ҳолати юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирганликларини, молиявий жарима қўллаганликларини, жарималарни тўлаб камчиликларни бартараф қилганлигини билдириб қонун доирасида енгиллик қилишни сўради.

Жабрланувчи К.Рахимов судда, дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, солиқ тизимида 1992 йил октябрь ойидан буён хизмат қилишини, бугунги кунда эгаллаб турган лавозими бўйича хизмат вазифаларига сайёр солиқ текширувлари ўтказиш, туман ҳудудидаги тадбиркорлик субъектларига қарашли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб бориш ва шу каби бошқа вазифалар киришини, фуқаро Д.Абдуллаевнинг “tekshiruv.soliq.uz” сайти орқали, Янгибозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Қоратепа маҳалласида жойлашган “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасига қарашли савдо шохобчасида 11000 сўмлик хариди учун касса чеки берилмаганлиги ҳолати бўйича қилган мурожаати юзасидан ўрганиш ўтказганлигини, яъни мурожаат аноним эмаслиги ҳамда шохобча ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётганлигини аниқланиб, бу юзасидан маълумотнома тузганлигини ва тузилган маълумотномага асосан Янгибозор туман ДСИ томонидан 30.07.2022 йилда “Тадбиркорлик субъекти фаолиятида сайёр солиқ текшируви ўтказилишини хабардор этиш тўғрисида” 20/5-06555-сонли буюртма хати Ўзбекистон Республикаси ДСҚга юборилганлигини, ДСҚнинг 30.07.2022 йилги 20/5-99212-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонига Янгибозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Қоратепа маҳалласида жойлашган “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасида 2022 йил 30 июлдан 5 иш кун давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сонли Фармони талаблари асосида сайёр солиқ текшируви ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиниб, Янгибозор туман давлат солиқ инспекциясига корхонада белгиланган муддатда сайёр солиқ текшируви ўтказиш топширилганлигини, шунга асосан, Янгибозор туман ДСИнинг 01.08.2022 йилдаги “Сайёр солиқ текшируви ўтказиш тўғрисида”ги 00084-хс-сонли буйруғига асосан ўзи, инспекциянинг Сайёр солиқ текширувлари шўъбаси давлат солиқ катта инспектори О.Матниязов ва давлат солиқ бош инспектори Д.Юлдашевлар билан бирга “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасига қарашли Янгибозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Қоратепа маҳалласида жойлашган савдо шохобчасига 02.08.2022 йилда текшириш ўтказишга борганликларини, текширишда



корхонага қаршли савдо шохобчаси сотувчиси З.Тожимуратова махсус харидор А.Ражабовга 20000 сўмлик қилган хариди учун харид чеки бермаганлиги аниқланганлигини, назорат хариди бўлганидан кейин шохобча сотувчиси (раҳбари) З.Тожимуратовага текшириш ўтказилаётганлиги ҳақида ўзларини ҳамда текшириш ҳужжатлари билан таништириб турган пайтида, З.Тожимуратованинг турмуш ўртоғи Рашид Жуманазаров шохобчага яъни дўконга маст ҳолда кириб келганлигини, Р.Жуманазаровга ўзларини белгиланган тартибда таништириб, буйруқ асосида текширишга келганликларини айтган пайтларида, Р.Жуманазаров уларга “текшириш натижаси бўйича жарима солинади”-деб, жанжал кўтариб, “умуман текшириш ўтказмай дўкондан чиқиб кетасизлар”-деб, текшириш ўтказишга ҳалақит бериб, қаршилиқ қилиб, уни ёнига келиб, ўнг кўли мушти билан юзининг чап томонига тўсатдан бир марта қаттиқ зарба билан урганлигини ва текширишга келган ҳамкасби Д.Юлдашевни ҳам кўли билан бир марта елка қисмига урганлигини, О.Матниязов ва Д.Юлдашевларни дўкон ичкарасида қувалаганлигини, ҳолат бўйича ДСИ раҳбарияти ва туман ИИБга хабар қилганлигини, дўконга 10-15 дақиқа ўтиб туман ИИБ профилактика инспекторлари келиб Р.Жуманазаровни шохобчадан яъни дўкондан олиб кетганлигини, Р.Жуманазаров олиб кетилгандан кейин текширишни давом қилдириш учун шароит яратилганлигини ва сайёр текшириш давом қилдирилиб якунига етказилганлигини, ўтказилган текширишда ҳолат юзасидан назорат харидини ўтказиш баённомаси, моддий жавобгар шахс зиммасидаги савдо (хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш)дан тушган нақд пул ва бошқа қимматли қоғозлар қолдиғини йўқламадан ўтказиш далолатномаси, сайёр солиқ текшируви далолатномаси ва шохобча сотувчиси З.Тожимуратовага нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилганлигини, текширишда тўпланган ҳужжатлар белгиланган тартибда ДСИдан рўйхатдан ўтказилганлигини, Р.Жуманазаров уни ургандан кейин чап томон қулоқ соҳасида оғриқ бўлиб турганлиги сабабли Янгибозор туман Тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай адовати йўқлигини, судлануви ундан кечирим сўраб етказилган зарарларни қоплаб берганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатма берди.

Жабрланувчи Д.Юлдашев судда, дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, солиқ тизимида 2017 йил апрель ойидан буён хизмат қилишини бугунги кунда эгаллаб турган лавозими бўйича хизмат вазифаларига сайёр солиқ текширувлари ўтказиш, туман ҳудудидаги тадбиркорлик субъектларига қаршли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб бориш ва шу каби бошқа вазифалар киришини, Янгибозор туман ДСИнинг 01.08.2022 йилдаги “Сайёр солиқ текшируви ўтказиш тўғрисида”ги 00084-хс-сонли буйруғига асосан инспекциянинг Сайёр солиқ текширувлари шўъбаси бошлиғи К.Рахимов, давлат солиқ катта инспектори



О.Матниязовлар билан бирга “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасига қарашли Янгибозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Қоратепа маҳалласида жойлашган савдо шохобчасига борганликларини, дўконда сотувчи З.Тожимуратова харидор А.Ражабовга 20000 сўмлик қилган хариди учун харид чеки бермаганлиги аниқланганлигини, текширишда “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонаси раҳбари З.Тожимуратованинг турмуш ўртоғи Рашид Жуманазаров шохобчага яъни дўконга жуда маст ҳолда келганлигини, К.Рахимов ўзини ва бошқа ходимларни Р.Жуманазаровга белгиланган тартибда таништириб, буйруқ асосида текширишга келинганлигини айтганида, Р.Жуманазаров жанжал кўтариб, текширишни ўтказилишига ҳалақит бериб, текширишни тўхтатишни талаб қилиб, текшириш ўтказишга қаршилиқ қилганлигини ва К.Рахимовнинг олдига келиб, унинг юзига ўнг қўл мушти билан бир маротаба қаттиқ урганлигини, унга ҳам текширишни тўхтатишни талаб қилиб қўли билан чап елкасига урганлигини ва О.Матниязов иккаласи қувалаганлигини, шу вақтда К.Рахимов ДСИ раҳбариятига ва туман ИИБга қўнғироқ қилиб, бўлиб ўтган воқеани айтгандан кейин бироз вақт ўтиб шу жойга туман ИИБ профилактика инспектори етиб келганлигини ва Р.Жуманазаровни тартибга чақириб ўзи билан олиб кетганлигини, Р.Жуманазаров олиб кетилгандан кейин текширишни давом қилдириш учун шароит яратилганлигини ва сайёр текшириш давом қилдирилиб якунига етказилганлигини, ўтказилган текширишда ҳолат юзасидан назорат харидини ўтказиш баённомаси, моддий жавобгар шахс зиммасидаги савдо (хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш)дан тушган нақд пул ва бошқа қимматли қоғозлар қолдиғини йўқламадан ўтказиш далолатномаси, сайёр солиқ текшируви далолатномаси ва шохобча сотувчиси З.Тожимуратовага нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилганлигини, текширишда тўпланган ҳужжатлар белгиланган тартибда ДСИдан рўйхатдан ўтказилганлигини, Р.Жуманазаров уни урган пайтда тан жароҳати олмаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай адовати йўқлигини, судлануви ундан кечирим сўраб етказилган зарарларни қоплаб берганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатма берди.

Жабрланувчи О.Матниязов судда, жабрланувчилар К.Рахимов ва Д.Юлдашевлар билан бир хил мазмунда кўрсатма берди.

Гувоҳ Н.Бекчанов судда, 2022 йил май ойидан Янгибозор туман ИИБда профилактика инспектори лавозимида ишлаб келишини, туман ИИБ навбатчилик қисмига 2022 йил 2 август куни, соат 14:30 лардан кейин, Янгибозор туман Оёқдўрман қишлоғи Қоратепа маҳалласида жойлашган “Фотима Зухра Меҳринисо” хусусий корхонасига қарашли савдо шохобчасида жанжал бўлаётганлиги тўғрисида берилган хабарга асосан тезда шу савдо шохобчасига борганлигини, савдо шохобчасига борган вақтида туман ДСИ ходими Рахимов Комулжан савдо шохобчасига ўз хизмат вазифаси юзасидан келган вақтда уни шу дўкон эгаси Жуманазаров Рашид



исмли шахс маст холда уриб тан жароҳат етказганлиги тўғрисида маълумот олганлигини, шундан кейин дўкон ичида бўлган фуқаро Жуманазаров Рашид исмли шахсни мастлик даражасини аниқлаш мақсадида Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасига олиб бориб тиббий кўрикдан ўтказганида ҳақиқатдан ҳам Жуманазаров Рашид спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги маълум бўлганлигини, Жуманазаров Рашиддан шу куни туман ДСИ ходими Рахимов Комил билан унинг ўртасида нима сабабдан зиддият келиб чиққанини сўраган вақтида Жуманазаров Рашид унга дўконига туман ДСИ ходимларини текшириб келганлигидан жаҳли чиқиб уларни ёқасидан ушлаб дўкондан чиқариб юборганлиги тўғрисида маълумот берганлигини, шундан кейин Янгибозор туман ИИБ навбатчилик қисмига туман ДСИ ходими Рахимов Комилни тан жароҳат олганлиги тўғрисидаги билдирги Ф-2 №844-сон билан қайдан ўтказилиб тегишлилик бўйича туман прокуратурасига юборилганлигини билдириб кўрсатма берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, Р.Жуманазаровнинг жиноят содир этганликдаги айби ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Р.Жуманазаровнинг жинойи қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Р.Жуманазаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, унинг шахсини, оилавий ва моддий аҳволини, айбига тўла иқрорлигини, шунингдек, етказилган зарарлар қопланганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инobatга олиб, айбли деб топилган модданинг санкцияси доирасида аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л А Д И:

Жуманазаров Рашид Мамасадикович (Jumanazarov Rashid Mamasadikovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган холда 2 (икки) йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, судланувчининг ўзи иш фаолиятини олиб бораётган Янгибозор туманида рўйхатдан ўтган “Фотима Зухра Мехринисо” хусусий корхонасида ўтаттирилсин ҳамда жазони ўташ муддати корхона маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини назорат қилиш Янгибозор туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклансин.

Жабрланувчилар, Матниязов Ойбек Шакирович, Юлдашев Даврон Байрамбаевич ва Рахимов Камулжан Абдуллаевичларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳамда уларни судланувчи Р.Жуманазаровга нисбатан даъволари йўқлиги инобатга олинсин.

Судланувчи Р.Жуманазаровга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровни таъминлаш учун Хоразм вилоят Прократурасининг Ипотека банк АТИБ Хоразм вилояти филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.000.000 (олти миллион) сўм пуллар Жуманазаров Рашид Мамасадиқовичга тегишли тартибда қайтарилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, мазкур суд орқали Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Р.М.Бобажанов

